
Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизматининг БИЛДИРИШИ

Ижтимоий тармоқларда Қўқон шаҳрида санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари шаҳар ҳокими М.Усмонов олиб берган хлор (1000 кг) ёрдамида дезинфекция ишларини олиб бораётганлиги ҳақидаги хабар берилган.

Мазкур ахборот юзасидан шуни маълум қиламизки, Фарғона вилояти ҳокимлиги вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик марказига 2 млрд .сўм миқдорида маблағ ажратган бўлиб, ҳозирда барча шаҳар ва туманлардаги бозорларда, чегара ҳудудларидаги ўтиш жойларида жадаллик билан олиб борилаётган дезинфекция ишларига ана шу маблағ қаратилган. Кўп қаватли уйларнинг йўлаклари ҳам дезинфекцияланади.

Бугунги ҳолатга кўра хатто географик анклав бўлган Сўх тумани ва Шоҳимардон қишлоқларидаги барча хонадонлар, аҳоли тўпланиши мумкин бўлган жойлар юз фоиз дезинфекцияланган.

Қўқон шаҳар ҳокими М.Усмонов томонидан дезинфекция қилиш учун олиб берилган 1000 кг хлор шаҳар ҳокимининг шахсий маблағидан эмас, балки бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Facebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-03-23 15:04:30